



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН



ТАРИХ ВА ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН

дўстлик ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланади

2



Дунёдаги жамики аёллар бошпанаси бўлишини, унда оиласи билан шод-хуррам, хотиржам ҳаёт кечиришни истайди. Аммо тақдир тақозоси билан, турли сабабларга кўра, айрим аёлларда бундай имконият бўлмайди.

Эҳтиёжманд аёллар учун

арзон уй-жой бериш тартиби белгиланди

Ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан ногиронлиги бўлган шахсларга, мухтож оилаларга имтиёзли ипотека кредити асосида уй-жой берилди. Уларнинг имкониятлари ҳисобга олиниб, бошланғич бадаллар ҳомиёлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Маҳаллий ҳокимликлар, турли ташкилотлар, савоатпеша инсонлар кўмағида катта савоб ишга қўл урилди. Аммо эҳтиёжманд аёллар ва оилаларга уй бериш тартиби меъёрий ҳужжат билан белгиланмаганди. Мазкур масалани оқилона ҳал этиш мақсадида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент фармони асосида жорий йил 12 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга мухтож оналар учун қўлай шароит яратиш мақсадида арзон уй-жой бериш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Давоми 3-бетда

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР


Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан «Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.

Унда касаба уюшмалари соҳасидаги халқаро ташкилотлар мутасаддилари, 30 дан ортиқ давлатларнинг олим ва экспертлари, юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва хорижий ваколатхоналар раҳбарлари, касаба уюшмалари соҳаси мутахассислари, ҳуқуқшунослар, олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Қ.Рафиков, «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори

А.Бурҳонов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Қудбийев ва бошқалар мамлакатимизда одамлар манфаатларини таъминлаш, халқимиз ҳаётини янада фаровон этиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юртдошларимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётда изчил жорий этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида давлат қурилишини ва суд-ҳуқуқ тизimini такомиллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ривожлантириш, миллатлараро дўстлик ва тотувлиқни мустаҳкамлаш билан бирга ижтимоий



соҳани изчил равишда топтиришга устувор масала сифатида ёндашилмоқда. Айни жиҳатлар миллий қонунчилигимизнинг муттасил такомиллашиб бораётганида, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини кучли ижтимоий муҳофазалаш, қўрсатилаётган кўмакнинг аниқ, манзилли, шаффоф, самарали бўлишини таъминлашга доир ишларда яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳар бир фуқароннинг тақдир ва мувожаатини ўрганиш билан боғлиқ амалий ишлар долзарб масалаларга ўз вақтида ечим топиш имконини берапти.

Давоми 3-бетда



БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА

1 МИНГ 700 ФУҚАРО ИШЛИ БЎЛДИ

Наманганда вилоят бандлик бош бошқармаси ва прокуратураси ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Ярмаркага битирувчи ёшлар, Қўролчи Кучлар сафидан захирага бўшатирилган аскарлар, жазони ўташ муассасасидан озод этилган шахслар, маълум муддат хорижда ишлаб қайтган, оилавий шароити оғир бўлган уч мингдан зиёд ишсизлар

жалб қилинди. Уларга вилоятда фаолият юритаётган 350 дан ортиқ корхона ва ташкилотларда мавжуд 1 минг 500 га яқин бўш иш ўрни, шунингдек, 2000 дан ортиқ ҳақ тўланадиган жамоат ишлари тақлиф этилди.


Ярмаркада 1 минг 700 нафар фуқаро ишга жойлаштириш учун йўлланма олди. Мингдан зиёд фуқарога меҳнат

қонунчилиги бўйича тушунча ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Бундан ташқари, тадбирда тижорат банклари томонидан кредит олиш истифода бўлган 300 га яқин фуқаро рўйхатга олинди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.

ФАХР



«ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИ ДУО ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК»

Йўлдошбек қори НУРИДДИНОВ,
«Ўзбекистон Қуръон мусобақаси — 2018»
танловининг мутлоқ ғолиби:

— Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманининг Кенасас қишлоғида 1995 йил 9 январда туғилганман. Қуръонга муҳаббат оиламиздан бошланган. Отам Иброҳим Жумамуродов узоқ йиллар давомида туманимизда имом-хатиб бўлиб ишлаган. У киши болалик пайтида менга ҳарф ўргатиб, Қуръон оятларини ёдлатган. Бола бўлганим учун ҳар бир эришган натижадан сўнг рағбатлантиришни унутмасди. Отамнинг кўмағи билан 2,5 пора Қуръонни ёдлаганман.

Сўнгра Неъматуллоҳ қори Аминжон Эшон домладан сабоқ олдим, 30 пора Қуръонни ёдладим. Илк Қуръон хатмини 9 ёшимда, 2004 йилнинг Рамазон ойида Нукус шаҳридаги «Имом эшон Муҳаммад» жомеъ масжидида адо этганман. 2010 йилда мактабни битириб, Нукус шаҳридаги Муҳаммад Беруний ўрта махсус Ислам билим юртида таҳсил олдим. Бу ерда тажвид ва қироат бўйича билимларимни Баҳром қори қўл остида мустаҳкамладим. 2015 йилда Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институтига ўқишга кирдим, ҳозир 3-курс талабасиман.

Ислам институтида 1-курсда Исламхон Убайдуллаевдан, ҳозирги вақтда Аҳмадхон Рашидовдан тажвид ва қироат бўйича таҳсил оляпман. Шунингдек, қўшимча равишда Жаҳонгир Неъматовдан қироат сирларини ўрганиб борапман.

2011-2012 йилларда республика Қуръон мусобақасида совриндор, 2013 йили Қувайтда бўлиб ўтган халқаро Қуръон мусобақасининг пешқадамлар ўнталигидан жой олдим. 2016 йили Тошкент Ислам институтида ўтказилган «Қуръон зиёфати» кўрик-танлови ғолиби бўлганман.

Мени жорий йилги Қуръон мусобақасининг мутлоқ ғолиби, деб эълон қилишганида қалбимдан ўтган ҳисларни ифода этишим қийин. Албатта, бу Аллоҳнинг фазли бўлди.

Биласизми, мени нима хурсанд қилди?.. XIX асрда ҳам Қорақалпоғистон ва Хоразм томонларда қўллаб уламо ва қорилар бўлган. Аммо шўролар олиб борган даҳрийлик сиёсати сабабли улар сони кескин камайиб кетган. Қорақалпоғистондан чиққан мендек йигитнинг ғолиб бўлиши биз томонлардан яна қўллаб қори ва уламолар чиқишига туртки беришдан умидим бор ва буни Аллоҳдан сўрайман.

Ғолиб деб эълон қилишганида саҳнада турар эканман, аввало Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг олиб бораётган оқилона ишлари ҳақида ўйладим. Айнан у кишининг ташаббуси билан юртимизда диний соҳада ҳам ислохотлар ўтказилляпти. Қуръон мусобақаси ҳам мамлакат раҳбарининг тақлифи билан ташкил этилди. Илгари қузатилмаган ҳолат — Қуръон мусобақасининг тарбиёт баннерлари бутун республикамиз бўйлаб марказий кўчаларга ўрнатилди, Оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилди. Менга Президент совғаси — Lacetti автомашинаси қалитини топширишди. Буларнинг барчаси учун раҳмат айтаман. Биз, бутун халқимиз у кишини дуо қилишимиз, амалга ошираётган жайли ишларида Аллоҳ мададор бўлишини сўрашимиз керак.

Темур АъЗАМ
ёзиб олди.

ЎЗБЕК ЖАНГЧИСИНИНГ ҚАБРИ

70 йилдан сўнг топилди

2016 йилда «Жди меня» кўрсатуви бошловчиси Виталий Ефремовдан жавоб хати келади. Унда Рауф Пардаевнинг Германияда 1946 йилнинг 25 сентябрида ҳалок бўлгани, у Саксония-Анхальт музофотининг Магдебург шаҳридаги қабристонда дафн этилгани ҳақида хабар берилган эди...

4

ТАРИХ ВА ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН

дўстлик ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланади

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Туркменистон — биз учун тарих ва вақт синовидан ўтган, кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари боғлаб турадиган энг яқин қўшнимиздир. Ҳақиқий дўстлик ва яқин қўшнчилик муносабатлари қандай бўлиши лозимлигини биз бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш учун барча имкониятларни ишга солашимиз», Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг «Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар — бир-бирини қадрлайдиган ва ҳурмат қиладиган қардош халқлар, меҳрибон қўшниларнинг мулоқоти-дир. Ушбу мустаҳкам пойдевор асосида биз бундан буён ҳам халқларимиз ўртасидаги аёнанавий дўстлик ва қардошлик алоқаларини ривожлантирамиз ва мустаҳкамлаймиз», деган сўзларида тарих бор, бугун бор, истиқбол бор. Ўзбек-туркман халқларининг қардошлиги, қўшнилиги, тарих синовидан ўтиб келадиган дўстлиги, қадрдонлигига эҳтиром бор. Бу дўстлиқнинг эртанги истиқболи, яъни ҳақиқий дўстлик ва қўшнчиликда бошқаларга ибрат даражасига кўтариш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадлари мужассам. Хитой мақолларидан бирида «Қўли одамлар йўлдаги тўсиқларни олиб ташлайди, донолар бутун йўлни босиб ўтади», дейилади.

Бу муштарак фикрлар ўзбек ва туркман халқлари дўстлигининг бугунги ҳолатини ва эртанги истиқболини акс эттиради, уларни келажакдан келадиган хушxabарлар, деса арзийди. Чунки Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлари дўстлигини янада мустаҳкамлаш йўлида учраган тўсиқлар олиб ташланаётгани, олдинда турган маддакорлик ва ҳамкорлик, дўстлик йўли текис ва равон бўлиши рост гап.

2018 йил 24 апрель куни эрталаб икки халқ дўстлигининг ёрқин истиқболи рами сифатида Урганч осмонига кўтарилган минглаб оқ қабуллар ана шу улғуниятлар парвозига ўхшади. Урганч кўчалари бўйига чиққан, қўлларига Ўзбекистон ва Туркменистон байроқларини тутган минглаб кекса-юшнинг «Яшасин ўзбек-туркман дўстлиги!» деган оқилшлари, болакайларнинг дўстлик ҳақидаги жарангдор шеърлари, нуруний кексаларнинг дуолари тadbирга юксак маънавий руҳ, файз-тароват бахш этди.

Қўшни мамлакатлар билан ўзаро дўстлиқнинг мустаҳкамланаётганлиги мамлакатимиз аҳлини қувонтирмоқда. Бунга ўзбек ва туркман дўстлик алоқалари мисол. Халқ фикри — ҳақ фикри. Биз бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувлар якуни бўйича Хоразм вилоят фаоллари, ижодкорлар, нурунийлар, турли соҳа вакиллари, ёшлар, аҳоли фикрини ўргандик.

Отабой ХУДОЙНАЗАРОВ,
меҳнат фахрийси:

— Этни тирноқдан ажратиб бўлмайди, деганларидек, ўзбек ва туркман эт билан тирноқдек бир-бирига яқин. Мен ана шу дўстлик ва биродарликни Туркман-ободдаги Исмоил Каримов хайкали ва Тошкентдаги «Ашхобод сайилгоҳи» тисолида, икки халқнинг тинчлиги, хотиржамлиги йўлида ҳурматли Президентларимиз бошлаган савобли ишларда кўраман. Бугун биз Кўхна Урганчдаги 360 авлиёни, туркменистонликлар Хива, Бухоро, Самарқандни бемалол зиёрат қиладиган бўлдик. Ҳар икки халқда нон улғуланади, ана шу нонни ёпадиган тандиримиз ҳам, узган иссиқ чўрагимиз бир. Дастурхон атрофида кўрпачани тўшаб бошимизга сил-кима чўғирмани кийиб, богдош қуриб ўтиришимиз бир хил. Сузма паловимиз бир.

Садоқат МАТКАРИМОВА:

— Бутун дунёга донги кетган Маъмур академияси ва Ҳанда фаолият олиб борган юксак истеъдод ва қобилият эгалари, буюк энциклопедист олимлар, алло-малар ўзбек ва туркман халқининг буюк аждодлари ҳисобланади. Ҳозирги кунда мен фаолият олиб бораётган Урганч давлат университетиде юздан ортиқ туркман талабалари тахсил олмақда.

Туркман халқ шоирлари Махтумқули, Мулла-нафас, Андалеб, Зеллий ўзбеклар учун ҳам севи-мили, ардоқли. Республикада Мулла-нафас тавал-лудининг 200 йиллиги, Махтумқули таваллудининг 290 йиллигига бағишланган тadbирлар кенг миқёсда ўтказилди. Уларнинг шеърлари хоразмлик машҳур хонандалар, хусусан, Комилжон Отаниёзов, Жумана-зар Бекчоновлар ижросида мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига тарқалиб, барчанинг кўнглидан ўрин олганлиги ҳаммамизга маълум. Халқларимиз ўрта-сидаги меҳр, дўстлик асрлардан асрларга ошиб кел-моқда ва абадий шундай бўлиб қолишга ишонаман.

Бекберган САПАРБОВЕВ,
меҳнат фахрийси:

— Менинг асли келиб чиқишим туркман. Ота-боларимиз бундан 350-400 йил олдин Хива хонлиги ҳудудида кўнм топан. Урганч туман ҳудудидан оқиб ўтган Ғазавот канали бўйида «Уллий ҳовли» биноси-ни қуришган. Кейинчалик яқин тартибда иморатлар қўпайган. Бугунги кунга келиб маҳалладаги 840 дан ортиқ оилада 4000 га яқин аҳоли тинч-тотув яшаб келмоқда. Болаларимиз, набираларимиз туркман тилида ўқийди. Ўзбек-туркман қанда-анда бўлиб кет-ган. Мана менинг ўзим ҳам ўзбек қизига уйланганман. Бахтлимиз. Болаларимизнинг ҳаммаси ўқимишли, ишли. Бахтимизга кўз тегмасин, илоҳим.

Гавҳар ИБДУЛЛАЕВА,
шоира:

— Мен, киндик қони туркман тупроғига тоған, бахтини ўзбек заминига тоған пешонаси ярқирок аёллардан бириман. Азалий дўстлигимиз янада

мустаҳкамланаётганидан кўксим тоғ, бошим осмон, ўзимга сиймай, чексиз-чегарасиз қувончдаман.

Ўн саккиз ёшимда ёр-ёр садоси билан Хоразмга кириб келдим. Илдиз отиб, япроқ ёздим. Тўрт фар-зандимни юрагимнинг тўрт бўлаги, деб билдим. Би-ри-биридан ширин, бири-биридан асал набираларим дунёга келгач, юрагимни уларга ҳам ушатиб, сочи-либ-бўлиниб яшайман. Аслида аёлнинг бахти шу. Топеимдан, бахтимдан жуда-жуда шодман.

Иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида номзодим қўйилганида, отамнинг: «Туғилган еринг Туркменистон бўлса, сени сайла-шармикан?» деб қўйганларини, депутат бўлган-ида, «Эл-юрт ҳурмати» орденини олганимда, «Шу кунларни онанг кўрганидами?», деб елқалари силкиниб-силкиниб йиллаганларини аслаганимда ҳали-ҳануз кўнглим тўлиб кетади. Отажоним «Ўзбе-кистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонини олганимни кўрганлариде, билма-дим, қувончдан нақ юраклари ёрилиши тайин эди. Буларнинг барчаси учун, инсоний қадр-қимматимни бошимга тож қилиб берган Ўзбекистонимга жоним фидо бўлсин. Улуғ Махтумқули бундан 250 йил ил-гари:

Айтинг Фирогийнинг икки эли бор —

Бири Атрак бўлса, бири Хоразм.

Айтинг Фирогийнинг икки кўзи бор —

Бири туркман бўлса, бири ўзбегим, — деган эди.

Менинг ҳам икки элим бор — бири туркман бўлса, бири ўзбек. Ишончим комил, бундан 250 йил кейин ҳам келгуси авлод бу иборани фахрланиб айтиб юра-ди.

Давлатназар РАЖАБОВ,

Хоразм вилоят ўзбек-туркман дўстлик жамияти раҳбари:

— Бунёдкорлик ишлари туфайли шаҳар-туман-лардан тортиб то чекка қишлоқ ва маҳаллаларгача обод бўлаёттир. Бизнинг Урганч туман Ғайбу қиш-логидеги Туркман маҳалласиде жуда қисқа вақтда болаларимизга 120 ўринли янги болалар богчаси, Мусиқа ва санъат мактаби, 64 намунавий турар жой, Махтумқули номли мактаб биноси шаҳарда-

бўйича биронта муаммо чиқмаган. Ўтган 2017 йил 23-24 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Давлатлар-аро сув ҳўжалиги масалаларини мувофиқлаштириш комиссиясининг 25 йиллик юбилейини нишонладик. Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон сув ҳўжалиги раҳбарлари ва фахрий-лар иштирок қилди. Бир-биримизни бағримизга бо-сиб, шод бўлдик.

Азалдан қондош-қариндош икки элнинг бор-ди-келдиси йўлга қўйилиши муносабати билан энди бемалол тўй-маъракаларга бориб келамиз. Шу кун-ларга етказганига шукр.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,

Махтумқули мукофоти лауреати:

— Туркман халқининг буюк шоири Махтумқули шундай деган эди:

Қадрдон дўстингдан юзинг ўғирма,

Борсанг, бошларига тож этар сени.

Биз бу туйғунни ўтган йил ноябрь ойида Туркменис-тонда бўлиб ўтган ўзбек маданияти кўнларида, бугун Ўзбекистонда хис этдик. Яъни, таниқли туркман шои-ри Қора Сайитлиев бир вақтлари ёзганидек:

Туркманнинг уйида мажлис очилса,

Навоийдан бошланар бахшилар сози.

Ўзбекнинг уйида маъни сочилса,

Фирогийдан бўлар донолар сўзи.

Ўзбек ва туркман халқлари тақдири тутшиб кет-ганлигига ана бир ёрқин мисол: Ҳазрат Навоий бир вақтлар бош вазир сифатида Марв, Ниса (Ашхобод) яқинидаги шаҳарларни обод қилиш учун жон қуйди-ган. Эндиликда туркман халқи Навоий қадами теккан жойларни зиёратгоҳга айлантирди.

Узоққа бориб ўтирмайлик, туркман халқининг машҳур адаби Хидир Дарёев ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийни ўз устози ҳисоблаган бўлса, ўзбек шоири Ғафур Ғуллом билан туркман ёзув-чиларининг отахони Берди Кербобоевнинг, Зулфия билан Товшон Эсеноевнинг дўстлиги, биродарлиги каби мисоллар икки халқ маънавиятининг муштарак-лигига ибратли мисолдир.

Х асрларда Тажан дарёсида қурилган кўприк орқали аждодларимиз қуда — андачилик, савдо — сотиқ баҳонасида бир — бири билан борди — келди қилишган. Кейинчалик ҳазрат Навоий ҳам шу кўприқдан ўтган. Андижон, Марғилон, Самарқанд, Туркистон ва Бухорои шариф, Хива шаҳарларини ихтиёр этганда, Махтумқули оёқларига пойандоз бўлган.

гилардан аъло қилиб, замонавий жиҳозлари билан қуриб берилди. Оилавий поликлиникаларда тиш докторигача бор. Очиғи, туман марказига 15 километр йўл босиб боришга ҳожат ҳам қолмапти. «Дўстлик боғи» марказида дўстлик уйи, бобомерос қадриятимиз бўлган «Уллий ҳовли» қайта қурилди. Ҳовли дарвозасида ўша йиллардан қолган қадим-ий ёзув сақланиб турибди. Унда араб алифбоси-да: «Ушбу муборак «Уллий ҳовли» хоразмшоҳ улғу-ғозий Баҳодирхон томонидан солар туркманлари оқсоқоли Хўжамберди Шерматбой илтимосига кўра, ҳижрий 11.9.1120 йили бунёд қилинган», дейилган. Ана шунинг ўзи ҳам ўзбек-туркман халқлари дўст-лигининг бундан 400 йил олдин қандай бўлганига бир маҳобатли ёдгорлик эмасми?

«Уллий ҳовли» туризм маршрутига киритилди. Ҳовлида қадимий ҳунармандчилик намуналари, фото, картиналар галереялари, гиламчилик, зар-гарлик, кулолчилик, темирчилик, кўйгичқосқозлик, ўзбек-туркман мусиқа асбоблари устоналари ишламоқда. Ҳовлига кирганингизда туркман бах-шиларининг қадимий оҳанглари сизни ўз оғушига олади.

Бу йил Урганч туман Чолиш кўрғониде бунёд-корлик ишлари бошланди. У ерда яшаётган қо-зоқ халқи вакиллари ҳам бундан хурсанд. Ўтган йили Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг 100 йиллик юбилейи кенг нишонланиб, буюк ҳофизнинг ижод маркази, уй музейи барпо этилди. Вилоят марказида 20 йил оруз қилинган Охунбобо масжиди қурилиши иш-лари якунланиш арафасида. Юз йиллик орузлар уша-либ, темир йўли Хивагача келди. Яқин қўшни мам-лакатлар билан дўстлик илпарининг богланиши мушкулларни осон қилаёттир.

Кенжабой АРТИҚОВ,

меҳнат фахрийси:

— Ўзбек-туркман азал-азалдан қондош-қарин-дош. Амударёдан сув ичади. Мен бир умр сув ҳўжа-лиги соҳасида ишлаб келганман. Кўп йиллар Туркма-нистон сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган Текебай Атиевич ва бошқа раҳбарлар билан кўп бора мулоқотда бўлганман. Айниқса, То-шқовуз вилоятининг сув ҳўжалиги бошқармаси бош-лиги лавозимиде узоқ йиллар меҳнат қилган Аллана-зар Вапаев билан оға-инидек бўлиб ишлаганмиз.

У вақтлар Ғазавот, Шовот ҳамда Қиличбой-Арна каналларидан сув ичганимиз. Сув ҳўжалиги масалалари

Шу ерда икки давлатнинг азалий дўстлиги тари-хдан бир мисол: Х асрларда Тажан дарёсида ку-рилган «Пули хотин» кўприги орқали аждодларимиз қуда-андачилик, савдо-сотиқ баҳонасида бир-бири билан борди-келди қилишган. Кейинчалик ҳазрат Навоий ҳам шу кўприқдан ўтган. Андижон, Марғи-лон, Самарқанд, Туркистон ва Бухорои шариф, Хива шаҳарларини ихтиёр этганда, Махтумқули оёқлари-га пойандоз бўлган.

Икки халқни болаган бундай кўприқлар, йўллар жуда кўп. Ўзбек ва туркман диёри фуқароларининг нияти шуки, бу кўприқлар, бу йўллар қардошлар учун уларнинг қалбидек, дастурхонидек доим очиқ тургай.

Ана шу дўстлиқнинг маънавий дастурхонини безаш мақсади, туркман халқининг файласуф шоири Махтумқулига бўлган муҳаббат мени у ҳақда роман ёзишга ундади. Махтумқули мени кўллаб-қувват-лади, Ашхободга етказди, ҳурматли Гурбангули Бердимухамедов кўксимга «Махтумқули-Фирогий» халқаро олтин медалини тақиб қўйди.

Фаррух ОТАГАЛДИ,
ёш шоир:

— Дарвозанг олдида турибман сокин,

Саломим қабул эт, эй Уллий ҳовли.

Сурай кўзларимга зой бўлар хонин,

Саломим қабул эт, эй Уллий ҳовли.

Очилди дарвозанг, бағрига олди,

Бир эшик — ўзбегим, бириси — туркман.

Болалар нафасин руҳимга солди,

Саломим қабул эт, эй Уллий ҳовли.

Дўстлик дарвозаси абадий бўлсин,

Дўстлиқнинг йўллари гулларга тўлсин.

Ўзбек ва Туркманнинг иқболи кулсин,

Каломим қабул эт, эй Уллий ҳовли!


Халқларимизни богловчи маънавий-маърифий, моддий-маънавий кўприқлар, йўллар жуда кўп. Янги-лари қурилмоқда. Бу кўприқлар қардош халқларимиз кўнлидек, фаровон дастурхонидек доим очиқ тургай.

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,

Маънавият ва маърифат маркази

раҳбарининг биринчи ўринбосари,

педагогика фанлари доктори.



ЎЗБЕК ЖАНГЧИСИНИНГ ҚАБРИ

70 йилдан сўнг
топилди

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида кўп қатори шахрисабзлик ака-ука ўроқ ҳамда Рауф Пардаевлар фронтга сарфарбар қилинади. 1944 йил 6 октябрда Рауф Пардаевни бедарак йўқолгани ҳақида хат келади.

Шахрисабз туман военкомати шу муносабат билан оилани кўнлик олиб турадиган нон карточкасида маҳрум қилади. Жангчининг волидаи муҳтарамаси Анбарой она ўғлига аза очмайди — фарзандим тирик, у ўлмаган, деган умид билан яшайди.

Орадан бир неча ой ўтиб, хушхабар келади. Бу — 1945 йилнинг бошларида Рауф Пардаевнинг ўз кўли билан фронтдан ёзган хати эди.

Шўрлик она ўғлидан келган хатни туман военкоматига олиб бориб кўрсатади. Шундан сўнг Рауф Пардаев хизмат қилаётган ҳарбий

қисмга сўровнома юборилади. Лекин жавоб олинган-олинмаганиги номаълум. Ўроқ Пардаев 1945 йил урушдан қайтганидан кейин ҳам укаси билан хат ёзишиб турган. Урушдан сўнг Рауф Пардаев хизмат қилган ҳарбий қисмларга хат ёзиб, укасининг 19858-ҳарбий қисмда хизмат қилаётганини тасдиқлаб беришларини сўрайди. Афсуски, уларнинг ҳаммасидан «Укангиз Рауф Пардаев 1944 йилнинг октябрида бедарак йўқолган», деган мазмунда жавоб олинади.

Шундан сўнг Ўроқ Пардаев укаси хат ёзиб, унга бедарак йўқолгани ҳақидаги хабарнома нусхасини кўшиб жўнатади. Мана, кўлимизда 1946 йил 10 июль санаси билан Рауф Пардаевдан келган жавоб хати: «Ака, мен сизлардан битта хат олган эдим. Ичида справка бор экан. Уни командирга кўрсатдим. У менинг ҳақиқатан ҳам ҳарбий қисмда хизмат қилаётганим тўғрисида военкоматга хат жўнатди. Хатимга тезликда жавоб ёзинглар». Бу хат Германиядан юборилган бўлиб, ҳарбий қисм командирини Шахрисабз туман военкоматига

Рауф Пардаевнинг бедарак кетганини, ҳозир 19858-ҳарбий қисмда хизмат қилаётганини тасдиқловчи ҳужжат жўнатади. Бироқ бу ҳужжатнинг ҳам тақдирини номаълумлигича қолади...

Рауф Пардаевнинг Германиядан ёзган охириги хати 1946 йил 22 сентябрь санаси билан қайд этилган. «Сизлардан кўпдан буён хат олганим йўқ. Худо хоҳласа, тез кунда уйга қайтаман. Соғ-омон бўлинглар», деган мазмундаги хатта «Дала почтаси» томонидан 1946 йил 25 сентябрь тамғаси қўйилган. Шундан кейин ундан хабар бўлмади...

1975 йилда Райхон Пардаева ишлаб чиқариш илғори сифатида Москвада ўтказилган Ғалабанинг 30 йиллик байрамига таклиф этилади. У ўша ерда урушда бедарак йўқолган амакиси Рауф Пардаевни қидириб топишга амалий ёрдам беришларини сўраб изтопарлар отрядига мурожаат қилади ва бу мурожаат «Красная звезда» газетасида босилиб чиқади.

Рауф Пардаевнинг яна бир жияни Абдурахим Пардаев анча йиллардан буён амакисининг дарагини излаб турли архивларга, ташкилотларга хат ёзди, лекин натижаси бўлмади. У 2015 йилда амакисига тегишли бўлган барча ҳужжатлардан нусха олиб, Россия телеканалидан бериладиган «Жди меня» кўрсатувига жўнатади. Амакиси ҳаёт бўлса ўзини, ҳалок бўлган бўлса, қабрини топишда ёрдам беришларини сўрайди. 2016 йилда «Жди меня» кўрсатуви бошловчиси Виталий Ефремовдан жавоб хати келади. Унда Рауф Пардаевнинг Германияда 1946 йилнинг 25 сентябрида ҳалок бўлгани, у Саксония-Анхальт музофотининг Магдебург шаҳридаги қабристонда дафн этилгани ҳақида хабар берилган эди...

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!



«АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»

Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд-ҳуқуқ ислохотларини, шунингдек, судлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида «Адолат — қонун устуворлигида» танловини эълон қилади.

Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, интернетда ёритилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидаги ислохотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот хизматига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллифлар томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловга ўрта ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2018 йил 1 январдан 15 ноябргача чоп этилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.

Танловда қуйидаги йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланади:

1. «Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
2. «Босма ОАВ йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
3. «Интернет-журналистика йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
4. «Энг фаол судья ва суд ходими» (1, 2, 3-ўринлар);
5. «Энг фаол илмий ходим» (1, 2, 3-ўринлар).

Барча йўналишлар бўйича ғолиблар танлов рамзи, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Мурожаат учун манзил:
100186, Тошкент шаҳар,
А. Қодирий кўчаси, 1-уй. Телефон:
(0371) 239-02-43, электрон почта:
mt@sud.uz

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташиқ меҳнат миграцияси агентлиги жамоаси агентлик бошлиғи Равшан Ибрагимовга отаси

Рафазл отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН



«Шўртан газ – кимё мажмуаси» МЧЖ маъмурияти

2018 йилда хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилганлиги учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сугурта компаниялари билан шартнома тузиш учун

танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун сугурта компанияларидан қуйидаги маълумотлар сўралади:

- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- фаолият тури бўйича лицензия нусхаси;
- сугурта компаниясининг устав жамғармаси;
- сугурталовчи томонидан ишлаб чиқилган тариф ставкалари тўғрисидаги маълумот;
- «SAIPRO» рейтинг агентлиги томонидан аниқланган молиявий барқарорлик кўрсаткичи тўғрисидаги маълумот;
- шартнома нусхаси.

Ҳужжатлар 2018 йил 16 майгача қабул қилинади.

Манзил: 180300, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан кўргони, «Шўртан газ-кимё мажмуаси» МЧЖ.

Тел./факс: (0375) 221-02-27; (0375) 552-40-16, www.sgcc.uz, sgcc@sgcc.uz

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2018 йил 29 март куни ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижаларига кўра, «DAVLAT BELGISI» ДИЧБ Тошкент қозғ фабрикаси балансидаги д/р 01/459НВА бўлган «Мерседес-Бенц 0309D» русумли автобус — 9 700 000 сўмга; «O'ZBEKINVEST ASSISTANS» сервис агентлиги унитар корхонаси балансидаги д/р 01/367МБА бўлган «НЕКСИЯ» — 21 700 000 сўмга; «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар Чилонзор туман бўлими балансидаги д/р 01/602УБА бўлган «ТИКО» — 5 300 000 сўмга; Тошкент тўқимачилиги ва ёнгил саноат институти балансидаги д/р 01/861КВА бўлган «ДАМАС» — 6 700 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtkran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 438. 11553 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:50.
Topshirilgan vaqti — 23:55.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 5 6